# УЛУҒ ОКТЯБРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 213 (8703). ● 6 ноябрь, 1985 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.




М. Аъламов чизган плакат.

## ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

«Биз миллион-миллионларнинг ўз кучига ишонч уйғотдик ва ғайрат-шижоат ўтини ёқдик!» — доҳий Владимир Ильичнинг бу сўзлари роппа-роса олтмиш саккиз йил муқаддам, Улуғ Октябрь инқилоби ғалаба қилган дастлабки кунларда янграган эди. Социалистик революция туфайли бунёд бўлган советлар мамлакати тарих учун қисқа даврда шонли ва жанговар йўлни босиб ўтди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ер куррасидаги барча оммавий-прогрессив ҳаракатларга битмас-туганмас ҳаракатлантирувчи куч бахш этди. Социализм қурилишини, халқаро ишчилар синфининг, мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларининг, барча демократик кучларнинг курашини жаҳон революцион оқими билан бирлаштирди. Октябрь инқилоби янги тузумнинг ўзгартирувчилик моҳиятини, нурли истиқбол сарчашмаси эканлигини зўр куч билан намойиш қилди. Социализм — социал адолат ва эркинлик, меҳнат ва тинчлик эканлигини жаҳон халқларига исбот қилиб берди.

Олтмиш саккиз йил! Бу, тарихан жуда қисқа муддат. Лекин Коммунистик партиямиз раҳнамолигида эришилган оламшумул зафарларимиз ўтган асрлардан салобатлироқ ва мазмунлироқдир. Буни серқуёш республикамиз — Ўзбекистон, шунингдек, областимиз халқ хўжалиги юксалишида, пахтачилигимиз, чорвачилигимиз ва бошқа соҳалар ривожида, маданиятимиз, ободончилик, қурилиш, фан-техникамиз тараққиёти мисолида яққол кўришимиз мумкин. Бугун биз ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, социализмнинг азалий орзулари бизнинг буюк, кўп миллатли мамлакатимизда тўлиқ рўёбга чиқди, социализм илмий ғоядан амалий системага айланди.

Умумхалқ байрамининг йиллигини ҳар сафар тантанали нишонлаганимизда биз буюк Октябрнинг ҳаётбахш ғояларига қайта-қайта назар ташлаймиз, келажакдаги янги вазифаларимизни яхшироқ, самаралироқ ҳал этиш учун босиб ўтилган бутун йўлни ва қилинган ишларни янада чуқурроқ мушоҳада қиламиз.

Совет халқи катта маънавий-сиёсий жўшқинлик вазиятида, КПСС XXVII съездини янги-янги меҳнат ғалабалари билан кутиб олмоқда. Бу йил — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги таҳрирдаги Программаси ва КПССнинг Устави лойиҳаси (таклиф этилаётган ўзгартишлар билан), СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилиши билан ҳам унутилмас йил бўлиб қолади.

«7 ноябрь жамики байрамлар ичида энг қутлуғидир, — деб ёзади редакцияга йўллаган мактубида Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози ишчиси Ҳолмат Пардаев, — чунки халқимиз 68 йил муқаддам худди шу кунда жабр-зулмдан, камситиш ва ўксинишдан қутулиб, ҳурриятга, бахт йўлига чиққан эди. Шу боисдан ҳам бу байрамни биз ғоятда хурсандчилик, шодухуррамлик билан нишонлаймиз, унга арзигулик меҳнат совғалари тайёрлаймиз».

Худди шундай. Марди-майдон ишчиларимиз, азамат деҳқонларимиз, ижодкор зиёлиларимизнинг фидокорона меҳнатлари, улкан яратувчилик шиори катта самаралар бермоқда. Ватанимиз куч-қудрати кундан-кунга мустаҳкамланмоқда. Халқимизнинг миллий бойлиги узлуксиз кўпаймоқда. Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий фаровонлиги ошиб бормоқда. Халқ хўжалигимизнинг асоси бўлган оғир индустриямиз дадил олға босмоқда. Қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга интенсивлашмоқда. Маданий қурилишда катта муваффақиятларга эришилмоқда.

Саноатчиларимиз маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш ва реализация қилиш 1985 йил тўққиз ойлик планини муддатидан анча аввал ошириб адо этдилар. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ўтган йил январь—сентябрига нисбатан 4,4 процент ошди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўлами эса 1984 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги эса 3,4 процент ўсди. Маҳсулот кўпайишининг 77 процентига унумдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Оққўрғон, Пискент, Чиноз сингари шаҳар ва районларнинг саноати анча ривожланди.

Сўнгги йилларда қурилган ва фойдаланишга топширилган саноат объектлари, нурхоналар, уй-жойлар, гигант қурилишлар билан фахрлансак арзийди. Колхоз ва совхозларимизда қудратли механизация туфайли қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш тобора кўпайиб бормоқда.

Айни шу кунларда республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмони учун кураш қизғин давом этмоқда. Йиллик план ва социалистик мажбуриятларини бажариш арафасида турган областимиз пахтакорлари бу ишга ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар.

Ғалаба, Коммунистик, Ўрта Чирчиқ районларида механизациядан яхши фойдаланилди. Бутун ҳосилнинг 89 процентини «зангори кема»лар билан териб олган ғалабаликларнинг «дала конвейери» таҳсинга сазовордир! Йиллик пахта тайёрлаш планини 27 иш кунида бажариш ташаббусига қўшилган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Ғалаба районидан Свердлов номли, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Чиноз районидан Навоий номли, Коммунистик районидан Карл Маркс номли колхозларга ўхшаш хўжаликлар ўз сўзларига амал қилиб, КПСС XXVII съездига муносиб совға тайёрладилар.

Совет кишиларининг кучи, қудрати, бирдамлиги — партиямизнинг доно раҳбарлигида, партиямизнинг қўллаб-қувватлашидадир. Шунинг учун ҳам айни кунларда ҳар бир совет кишисига «Яшасин, Октябрь!» «Улуғ Октябрга шон-шарафлар!», «Ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — совет халқининг йўлбошчисидир!» деган сўзлар руҳлантирувчи шуур, илҳом, қувонч, ва бахтиёрлик бахш этмоқда.

Буюк Октябрнинг йиллиги арафасида совет халқи истиқболга дадил назар ташламоқда. Олтмиш саккиз йил Ленин таълимотлари ҳаётийлигининг, танлаган йўлимиз тўғрилигининг ёрқин далилидир. Совет кишилари Октябрь ишини давом эттириб, ўзининг авангарди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси атрофига янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар, социалистик Ватан куч-қудратини тинмай мустаҳкамламоқдалар, Октябрь революциясининг эзгу мақсади — коммунизм сари комил ишонч билан олға бормоқдалар.

— ИНСОНИЯТ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ — КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМ ВА КОММУНИЗМГА ЎТИШ ДАВРИНИ ОЧГАН УЛУҒ ОКТЯБРГА ШОН-ШАРАФЛАР!

— КОММУНИЗМ БУНЁДКОРИ, ТИНЧЛИК УЧУН МАТОНАТЛИ ВА ИЗЧИЛ КУРАШЧИ — УЛУҒ СОВЕТ ХАЛҚИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

— ЯШАСИН СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ РАҲБАР ВА РАҲНАМО КУЧИ — СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ!

**Яшасин Совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи—Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!**

## ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

● ТОШКЕНТ РАЙОНИ. Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги байрами арафасида катта зафар қучдилар. Давлатга гўшт сотиш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Эл дастурхонига шу кунгача пландаги 80 тонна ўрнига 167 тонна гўшт етказиб берилди. Гўштга топширилган қорамолларининг тирик вазни 440—450 килограммдан тош босди.

Хўжалик паррандабоқарлари ҳам тухум сотиш йиллик планини икки ҳисса ошириб бажардилар. Аҳолига 85 минг дона ўрнига 169 минг дона тухум етказиб берилди.

● БЎСТОНЛИҚ РАЙОНИ. Жданов номли колхознинг миришкор сабзавоткорлари далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Етилган ҳосилни йиғиб-териб олиш намунали ташкил этилди. Натижада сабзавот сотиш йиллик плани муддатидан анча илгари ортиғи билан бажарилган эди. Шу кунгача пландаги 8638 тонна ўрнига 12 минг 709 тонна маҳсулот йиғиштириб олинди. Бу ғалабага хўжаликнинг тажрибали деҳқонлари С. Ибраев ва Т. Туймақулов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг меҳнаткашлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Колхозда сабзавот сотиш юзасидан беш йиллик план ҳам ортиғи билан бажарилди.

## Ҳамиша биз билан, ҳамиша барҳаёт



СССР пойтахти Улуғ Октябрни Қизил байроқлар билан, КПСС Марказий Комитетининг Чақириқ сўзлари ёзилган қирмизи транспарантлар билан кутиб олмоқда. Байрам арафасида, 5 ноябрь куни Владимир Ильич Ленин ҳайкали тантанали очилишига бағишланган оммавий митинг бўлди.

Ленин ҳозир ҳам барча тириклардан-тирикроқ. У байрамларда ҳам, оддий иш кунларида ҳам ҳамиша биз билан ҳамнафас. Минглаб кишилар—Москва барча районларининг намояндалари Октябрь майдонини тўлдиришди. Майдон узра СССР давлат байроғи, иттифоқдош республикаларнинг байроқлари ҳилпираб турибди. Оқ шойи қопланган обида ёнида Октябрь қаҳрамонлари, партия ва меҳнат ветеранлари, уруш ветеранлари, мамлакат меҳнаткаш гвардиясининг ёш авлоди вакиллари туришибди.

14.00. М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, Н. В. Тализин, Б. Н. Ельцин, Л. Н. Зайков, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқлар минбарга чиқадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин микрофон ёнига келади. Бугун бу ерда, пойтахтнинг Ленин проспекти бошланадиган Октябрь майдонида, деди у, доҳий мутафаккир ва революционер, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлат бунёдкори, халқаро пролетариатнинг, барча меҳнаткашларнинг йўлбошчиси ва устози — Владимир Ильич Лениннинг КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг қарорига биноан қурилган ҳайкали очилмоқда.

Владимир Ильич Ленин ҳайкалини очишга бағишланган митинг очиқ деб эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев супага тортилган қизил лентани кесади. Чойшаб тушиб, ҳозир бўлган кишиларнинг кўз ўнгида Ильичнинг муаззам ҳайкали намоён бўлади. Майдон узра қизғин қарсаклар чалинади. Совет Иттифоқи гимни янграйди.

Владимир Ильич Лениннинг ҳайкали Октябрь номли майдонда қад кўтариб турибди, деди сўзини давом эттириб В. В. Гришин, бу ҳайкал Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 68 йиллиги арафасида очилди. Бу ҳам шонли бир тимсолдир. Лениннинг номи, Лениннинг даҳоси, унинг бутун ҳаёти ва фаолияти мамлакатимиз ва бутун инсоният тарихидаги улуғвор воқеа — Улуғ Октябрь социалистик революцияси билан чамбарчас боғланган.

Эндиликда марксизм-ленинизм ғоялари, Октябрь ғоялари оламшумул тарихий ғалаба қозонганлигини ҳамма кўриб турибди. Бу ғоялар қардош социалистик мамлакатлар халқларининг ишларида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, шунингдек миллий озодлик ҳаракатининг ғалабаларида мужассамлашган. Бу ғоялар бутун дунё меҳнаткашларининг истиқбол йўлини ёритиб турибди.

Москвада Ленин қадамжолари кўп. Бундан буён Октябрь майдони шундай жойларнинг бири бўлиб қолади. Ҳайкалтарошлардан Л. Е. Кербель ва В. А. Федоров ўртоқларнинг, архитекторлардан Г. В. Макаревич ва А. Б. Самсонов ўртоқларнинг лойиҳасига мувофиқ барпо этилган Владимир Ильич Ленин ҳайкали шу майдонга ўрнатилган.

Лениннинг шу ҳайкали очилиши — москваликлар, барча совет кишиларининг меҳнаткашлар йўлбошчиси ва устозига бўлган чуқур меҳр-муҳаббати ҳамда миннатдорчилигининг ёрқин ифодасидир. Владимир Ильич ўзининг бутун ҳаёти давомида Москва ишчилар синфи, меҳнаткашлари билан, Москва партия ташкилоти билан чамбарчас боғланган эди. Совет ҳукуматининг раҳбари, Москва партия комитетининг аъзоси, Москва Советининг депутати сифатида Владимир Ильич Ленин ишчилар билан доимо учрашиб, завод ва фабрикаларда уларнинг ҳузурида нутқ сўзлар эди. У коммунистларни, барча меҳнаткашларни ишни янгича, коммунистчасига ташкил этишда намуна кўрсатишга даъват этарди. Москваликлар Лениннинг бу васиятларини муқаддас билиб эъзозламоқдалар.

Москва меҳнаткашлари мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун курашга қўшаётган ҳиссани муттасил кўпайтириб бормоқдалар. Улар партиянинг мустаҳкам таянчи бўлиб, унинг сиёсати изчиллик билан амалга оширилишига эришиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда пойтахт коммунистларининг, меҳнаткашларининг бутун кучи шу йилги ва умуман ўн биринчи беш йиллик планини, КПСС бўлажак XXVII съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришга қаратилган.

«Красний пролетарий» заводининг йўнувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР давлат мукофоти лауреати И. И. Мальцев, 1917 йилдан КПСС аъзоси, Қишки саройга қилинган ҳужум қатнашчиси К. П. Синозерский, В. И. Ленин номли педагогика институтининг студенти, Ленин стипендиати Л. А. Королева сўзга чиқиб, Ленин васиятларига садоқатли партия мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга зўр ғайрат билан интилаётганлиги ҳақида гапирдилар. Инсониятнинг бахт-саодати ва совет кишисининг манфаатлари йўлида ишлаб чиқариш, фан ва техника, жамият турмуши ҳамма соҳаларида мислсиз миқёсдаги ўзгартишлар авж олдирилмоқда. Партия, унинг Марказий Комитети ленинча услубни қатъият билан қарор топтирмоқдалар ва олға томон қилаётган ҳаракатимизга халақит бераётган ҳамма иллатларга қарши курашмоқдалар. Партиянинг халқаро майдондаги фаолияти Лениннинг сулҳ тўғрисидаги биринчи Декрети донишмандлик руҳи билан суғорилган. Совет халқи мана шуларнинг ҳаммасини астойдил маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

Митинг ёпиқ деб эълон қилинади. Унинг қатнашчилари партия гимни — «Интернационал»ни куйлайдилар. М. С. Горбачев, Коммунистик партия билан Совет давлатининг бошқа раҳбарлари В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйдилар. Сўнгра улар ҳайкалтарошлик обидасини кўздан кечирадилар.

Совет Қуролли Кучларининг уч тури намояндалари — пиёда аскарлар, учувчилар, денгизчилар майдондан тантанавор юриб ўтадилар.

(ТАСС).

✦

**Суратда: Москвадаги Октябрь номли майдонда очилган В. И. Ленин ҳайкали.**

**ТАСС фотоси.**

## «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

### ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 5 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун —мавсум бошидан буён машинада (планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Янгийўл | 0,72 | 108,22 | 0,92 | 111,30 |
| Ғалаба | 0,28 | 105,01 | 0,08 | 137,36 |
| Чиноз | 0,31 | 103,04 | — | 85,05 |
| Пискент | 0,84 | 101,56 | 0,05 | 94,75 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,80 | 101,53 | — | 103,22 |
| Коммунистик | 0,57 | 101,32 | — | 117,72 |
| Бўка | 0,68 | 99,31 | 0,11 | 106,48 |
| Оққўрғон | 0,54 | 97,63 | — | 101,87 |
| Бекобод | 1,16 | 86,77 | 0,22 | 57,93 |
| Область бўйича: | 0,68 | 99,38 | 0,13 | 100,71 |

## ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

Бўка районидаги Тимирязев номли колхоздаги мавжуд 18 та пахтачилик бригадасининг 16 таси оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқда. Куни кеча хўжаликнинг Асрор Ҳайдаров ва Эсонбой Хурсандов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ҳам юксак социалистик мажбуриятларини бажардилар. Ҳар гектар ердан 33,5 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Асосий ҳосил «зангори кема»ларда терилди.

# 5.000.000 ТОННА ТАЙЁР!

